



ИСЛОМ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

ИСЛОМ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

3-жилд

**АЛБАНИЯ –
– АЪРОФ СУРАСИ**

**Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси нашриёти
Тошкент – 2025**

УЎК: 28(031)
КБК 86.38я2
И 80

И 80 **Ислом энциклопедияси [Матн] / – Тошкент: «Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2025. – 492 б.**

Энциклопедияда Ислом арконлари, шаръий қонун-қоидалар, муқаддас қадам-жолар ва масканлар, машҳур масжидлар ва мадрасалар, ушбу диннинг тарқалиши ва равнақига улкан ҳисса қўшган буюк шахслар, жумладан, саҳоба ва тобеъинлар, муҳаддис, фақиҳ, муфассир, мутасаввиф ва азиз-авлиёлар, Қуръон ва ҳадис ҳофизлари, таниқли уламолар ҳақида алифбо тартибида тизимли мақолалар берилган. Шунингдек, илмий-иждодий ҳамда маънавий-маърифий фаолияти жамоатчиликка номаълум бўлган алоҳида шахслар тўғрисидаги қимматли маълумотлар илмий муомалага киритилмоқда.

Ушбу энциклопедия кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 28(031)
КБК 86.38я2

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 14.07.2025 санадаги 03-07/4198-сонли
хулосаси асосида тайёрланди.*

ISBN 978-9910-930-94-2

© «Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2025



Фустот ш.даги Амр ибн ал-Осс масжидининг ташқи ва ички кўриниши

Суъод Моҳир Муҳаммаднинг ёзишча, ҳафтанинг икки кунда қозилар мазкур масжидда халқнинг турли даъволарини тинглаганлар. Шунингдек, халифа, султон, волий ва амирлар рамазон ойининг охирги жума кунини айнан ушбу масжидда адо қилганлар. Бу анъана 1952 й.гача давом этган.

Масжид деворларининг баландлиги 9 м, қалинлиги 1–2 м гача ўзгариб турадиган деворлар б-н ўралган. Масжид ҳовлисининг ўртасида фаввора ўрин олган. Масжидга ўрнатилган устунларнинг ҳеч бири масжид учун хос ишланмагани, атрофдаги бошқа эски бинолардан олиб келингани туфайли бир услуб ва ўлчамга эга эмас. Устунларнинг аксарияти ҳақида турли афсоналар мавжуд. Масжид ичкарасидаги устунлар сони 150 тани ташкил қиладди. Устунлар устига ўрнатилган бошалари ярим доира шаклидаги равоқларни тутиб туради.

Масжид 20-а. бошларида хароб аҳволга келиб қолган. 1977 й.да Миср вақф идораси томонидан масжидда

катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари олиб борилган бўлса, 1988 й.да айрим реставрация ишлари амалга оширилган. Ҳоз. кунга келиб масжиднинг илк кўриниши бутунлай ўзгариб кетган.

Масжид ҳоз. кунда ҳам ибодат маскани сифатида фойдаланилмоқда.

Ад.: Авлиё Чалабий. *Саёҳатнома*. X, 191-194; Суъод Моҳир Муҳаммад. *Масҷид Миср ва авлийаўҳа-с-салихун*. – Қоҳира: 1971. I, 61-76; E.K. Corbett. «The History of the Mosque of Amr». *Journal of the Royal Asiatic Society*. – London: 1891. 759-800; ЎЗМЭ. – Т.: 2000. I, 274.

Озодбек Алимов


АМР ибн САЛИМА

عمرو بن سلمة

Абу Бурайд Амр ибн Салима
ибн Қайс (Нуфайъ) ал-Жармий
(ваф. 85/704 й.)

Саҳоба

Манбаларда Амр ибн Салима (р.а.) ҳаёти ҳақида маълумотлар кўп эмас. Куняси Абу Язид деб ҳам зикр қилинган (аз-Заҳабий. *Сийар*. 523; Ибн Абдулбарр. *ал-Истйъаб*. 262).



А.и.С. мансуб Жарм қабиласи Макка фатҳидан кейин Исломни қабул қилган. Бироқ унгача бу қавм Муҳаммад (с.а.в.)нинг хабарини эшитган, бу борадаги воқеаларга бефарқ эмасдилар. Бу вақтда А.и.С. жуда ҳам ёш бўлса-да, қалбида Исломга муҳаббат уйғониб, қавмига савдо учун келган мусулмонлардан Қуръон оятларини тинглаб, уларни ёд олган эди.

Ҳаммод ибн Язиднинг Айюбдан келтирган ривоятига кўра, Макка фатҳидан сўнг Жарм қабиласи Исломни қабул қилиш учун Расулуллоҳ (с.а.в.)га ҳайъат жўнатишади. Ҳайъат орасида А.и.С.нинг отаси ҳам бор эди. Исломни қабул қилганларидан сўнг Расулуллоҳ (с.а.в.) уларга: «Ичингиздан Қуръонни яхши билган киши намозда имом бўлсин», дейдилар. Қабила ичида А.и.С.дан кўра Қуръонни яхши биладиган ҳеч ким йўқ эди. Бу вақтда у 6-7 ёшларда бўлган.

Бу ҳақда А.и.С.нинг ўзи шундай деган: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) замонларида қавмимга имомлик қилдим ва мен олти-етти ёш бола эдим».

Фуқаҳолар А.и.С.нинг юқоридаги сўзига «Агар бола Қуръонни бошқалардан кўра яхшироқ ўқиса, намозни

тўғри адо қилса, катталарга имомлик қилишининг зарари йўқ», деганлар.

А.и.С.дан Абу Қилоба ал-Жармий (ваф. 104/722 й.), Осим ал-Аҳвал (ваф. 142/759 й.), Айюб ас-Саҳтиёний (ваф. 131/749 й.), Мисъар ибн Ҳабиб ал-Жармий ва б.лар ҳадис ривоят қилганлар.

А.и.С.нинг ривоятлари Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жāмиъ ас-саҳīх»и, Имом ан-Насойининг «Сунан»ларидан жой олган.

Ад.: Абу Довуд. *Сунан*. «Салāt», 60; Ибн Саъд. *ат-Табақāt*. VII, 89-90; Ибн Абдулбарр. *ал-Истйъāб*. III, 262; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. IV, 222-223; аз-Заҳабий. *Сийар*. III, 523-524; Ahmet Önkāl. «*Amr b. Selime*». TDV İA. – İstanbul: 1991. III, 91; Имом ал-Бухорий. *Саҳихул Бухорий // Олтин силсила* (Ҳазотлар китоби). 4302-ҳадис. – Т.: «Hilol-nashr», 2021. 439-440.

Достон Мустафоев

АМР ИБН САЪИД ИБН АЛ-ОСС

عمرو بن سعيد بن العاص

Амр ибн Саъид ибн ал-Осс
ибн Умайя ал-Қураший ал-Умавий
(?, Макка – 13/634, Шом)
Саҳоба

Илк мусулмон бўлган саҳобалардан. Куныси – Абу Уқба. Отаси – Абу Уҳайҳа. У Макка ш.нинг нуфузли шахсларидан бўлган. Онаси – Сафийя бинт Муғйра. У Холид ибн Валид (р.а.)нинг аммаси ҳисобланади.

Амр ибн Саъид ибн ал-Осс (р.а.) Исломни қабул қилганида Маккада ва-зият оғир бўлгани учун оиласи б-н Ҳабашистонга иккинчи гуруҳда ҳижрат қилган. Унинг ўзидан аввал мусулмон бўлган иниси Холид ибн Саъид (р.а.) ундан аввал биринчи гуруҳда ҳижрат қилган.

А.и.С.и.ал-О. иниси Холид б-н ҳижратнинг еттинчи йилида Хайбар ғазотидан кейин Мадинага қайтади.